



# ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ

НАМАНГАН  
ВИЛОЯТ



2023



**ФУҚАРОЛАР** | НАМАНГАН  
**УЧУН БЮДЖЕТ** | ВИЛОЯТ  
**2023**



# МУНДАРИЖА

<b>1. АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР .....</b>	<b>2</b>
<b>2. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТИ .....</b>	<b>3</b>
ДАРОМАДЛАР .....	3
ХАРАЖАТЛАР .....	9
<b>3. ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ     ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ .....</b>	<b>18</b>
<b>4. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР .....</b>	

# 1 АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

**Наманган вилояти** Фарғона водийсининг шимолий қисмида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ғарбда Тошкент вилояти (Қамчиқ даври билан туташган), жанубий ғарбда Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти билан, шарқда Андижон вилояти билан, жанубда Фарғона вилояти билан, шимолда Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти билан чегарадош.



## ВИЛОЯТНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ



Худуд:  
**7 444** кв. км



Аҳоли:  
**2 931,1**  
минг киши  
(2022 йил  
1 январь ҳолатига)



Шаҳар аҳолисининг  
улуши :  
**64,8%**



Маъмурий марказ:  
**Наманган шаҳри**  
(661,1 минг киши)



Энг йирик шаҳарлар:


- Наманган
- Чортоқ
- Чуст
- Косонсой
- Учқўрғон
- Хаққулобод
- Тўрақўрғон
- Поп

# 2 | НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТИ


Наманган вилояти бюджетини вилоят бюджети, 11 та туман ҳамда Наманган шаҳри бюджетларидан ташкил топади.

## ■ ДАРОМАДЛАР

### МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ НИМАЛАР ҲИСОБИГА ШАКЛЛанаДИ?




2023 йил учун Наманган вилояти даромадлари прогнози **3 713,4 млрд сўмни** ташкил этади (2022 йил тушумларига нисбатан 114,0% 3 243,7 млрд.сўм кутилиш). Амалдаги қонунчиликка кўра маҳаллий бюджетлар дефицитига йўл қўйилмаслиги ва уларнинг даромад ва харажатлари балансли бўлишлиги кераклигини инobatга олган ҳолда (Ўз.Рес. Бюджет кодекси 142-модда), 2023 йилда Наманган вилоятига республика бюджетидан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ажратилади. «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюжети тўғрисида»ги Қонунга кўра Наманган вилояти учун трансферт миқдори **2899,9 млрд сўм** этиб белгиланган.



\*Тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларда шаклланган ва юқори турувчи бюджетга ҳисобланадиган даромадлар, улар шаклланган маъмурий-ҳудудий бирлик бюджетига ўтказиб берилиши мумкин.

Прогноз бўйича 2023– йилда Наманган вилояти бюджетига тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар структурасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кўпроқ аҳамият касб этади (жами тушумлардаги улуши 38%). Бошқа муҳим даромад манбалари сифатида фойда солиғи (18%), акциз солиғи (11%) ва ер солиғи (6%) прогноз қилинмоқда.

### СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР СТРУКТУРАСИ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, МЛРД СЎМ



## ВИЛОЯТ ИЧИДА СОЛИҚЛАР ВИЛОЯТ ВА ТУМАН (ШАҲАР) БЮДЖЕТЛАРИ ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

«2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан солиқларнинг тўлиқ ҳажмда қуйидаги бюджетларга ўтказилиши белгиланган:

- туманлар ва шаҳарлар бюджетларига;
- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига.



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

- тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга;
- даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ВИЛОЯТ БЮДЖЕТИ

2023 йилда вилоят бюджетига тўлиқ ҳолда қуйидаги солиқ ва бошқа турдаги даромадлар тушида:

- Фойда солиғи (*йирик солиқ тўловчилар, доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи норезидентлар томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари*);
- Давлат божлари;
- ДУК лар дивидендлари;
- Хусусийлаштиришдан тушумлар.

Халқ депутатлари Кенгаши Қарорлари билан тасдиқланган нормативларга асосан вилоят ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Бензинни, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;
- Қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар





## 2023 ЙИЛДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ВИЛОЯТ ВА ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР ЎРТАСИДАГИ ТАҚСИМОТИ


№	Туманлар (шаҳарлар)	Тақсимланадиган солиқ улуши	
		туман (шаҳар) бюджетига	вилоят бюджетига
1	Наманган ш.	45%	55%
2	Мингбулоқ тумани	60%	40%
3	Косонсой тумани	55%	45%
4	Наманган тумани	50%	50%
5	Поп тумани	20%	80%
6	Тўрақўрғон тумани	20%	80%
7	Уйчи тумани	35%	65%
8	Чортоқ тумани	60%	40%
9	Янгиқўрғон тумани	55%	45%
10	Норин тумани	60%	40%
11	Учқўрғон тумани	60%	40%
12	Чуст тумани	50%	50%

Наманган вилоятининг вилоят бюджетига 2023 йилда **2 296,4 млрд сўм** миқдорда солиқ ва солиқсиз тўловлар тушиши прогноз қилинган. 2023 йилда кўзда тутилган харажатларни молиялаштириш учун қўшимча равишда вилоят бюджетига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ажратилади.



Прогнозга кўра 2023 йилда Наманган вилояти бюджетига тушиши кутилаётган солиқлар ва мажбурий тўловлар таркибида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи нисбатан кўпроқ улушга эга – 686,8 млрд сўм (умумий солиқ тушумларининг 37,8% и), якуний истеъмолчига бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғи – 249,1 млрд сўм (13,7%) ва фойда солиғи – 573,8 млрд сўм (31%).

## 2023 ЙИЛДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ВИЛОЯТ БЮДЖЕТИГА ТУШИШИ ПРОГНОЗ ҚИЛИНГАН СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР СТРУКТУРАСИ, %






## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАР (ШАҲАРЛАР) БЮДЖЕТЛАРИ

2022 ЙИЛДА ТУМАН (ШАҲАР)  
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРИГА  
ТУЛИҚ МИҚДОРДА ҚОЛДИРИЛАДИ

- Айланмадан олинадиган солиқ (Халқ депутатлари Кенгаши қарорига мувофиқ)
- Жисмоний шахслар мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Юридик шахслар мол-мулк солиғи ( Халқ депутатлари Кенгаши қарорига мувофиқ)
- Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи
- Юридик шахслар ер солиғи( Халқ депутатлари Кенгаши қарорига мувофиқ)
- Жисмоний шахслар ер солиғи
- Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Давлат мулки ижарасидан тушумлар
- Йиғимлар

Наманган вилоятининг барча туманларида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан шаклландиган бюджет даромадлари 2023 йил режалаштирилган бюджет харажатларини қоплай олмайди. Шунга кўра, вилоят бюджетидан барча туманларга ва Наманган шаҳрига туманлар бюджетининг 37,6–75,5% ини ташкил этадиган тартибга солувчи трансфертлар ажратилади.

### ТРАНСФЕРТЛАРНИНГ 2023 ЙИЛ ТУМАНЛАР ВА НАМАНГАН ШАҲРИ СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРИ ПРОГНОЗИДАГИ УЛУШИ



Туманлар (шаҳарлар) бюджетларига солиқ тушумларининг энг кўп улуши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига ва ер солиғига тўғри келади.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА МАЪЛУМОТ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

Худуд номи	2023 йил ПРОГНОЗ			
	ЖАМИ ДАРОМАД	шундан		
		Маҳаллий бюджет даромади	Мобил алоқа ва алкагол акциз	Трансферт
<b>Жами</b>	<b>6 613 274</b>	<b>3 232 840</b>	<b>480 568</b>	<b>2 899 866</b>
Вилоят бюджети	2 839 305	1 815 786	480 568	542 950
Наманган шаҳар	833 239	520 235		313 003
Мингбулоқ тумани	194 921	57 255		137 666
Косонсой тумани	269 846	66 434		203 412
Наманган тумани	232 880	64 172		168 707
Поп тумани	304 786	124 261		180 525
Тўрақўрғон тумани	304 367	92 438		211 929
Уйчи тумани	280 402	94 681		185 720
Чортоқ тумани	248 762	72 327		176 435
Янгиқўрғон тумани	272 270	79 356		192 914
Норин тумани	231 523	56 658		174 865
Учқўрғон тумани	269 926	75 815		194 111
Чуст тумани	331 048	113 420		217 628

<sup>1</sup>Тегишли маъмурий ҳудудий бирликларда шакланган ва юқори турувчи бюджетга ҳисобланадиган даромадлар, улар шакланган маъмурий-ҳудудий бирлик бюджетига ўтказиб берилиши мумкин.

## ■ ХАРАЖАТЛАР

2023 йилда Наманган вилояти бюджети харажатлари **6 613,3 млрд сўмни** ташкил этади, бу эса 2022 йил параметрларига нисбатан 43,5 фоизга га кўпдир (4 608,0 млрд сўм).




### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 ЙИЛ ПАРАМЕТРЛАРИ, МЛРД СЎМ

Т-р	Кўрсаткичлар	Жами	Шундан:		
			Вилоят бюджети	Туманлар бюджети	Наманган ш. бюджети
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	4 139	1 208	2 283	647
2.	Иқтисодиёт харажатлари	1 098	805	209	84
3.	Марказлашган инвестиция харажатлари	251	251	0	0
4.	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг сақлаш харажатлари	409	131	232	46
5.	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг сақлаш харажатлари	57	0	48	9
6.	Ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳалари харажатлари	515	334	141	40
7.	Вилоят, туман ва шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари	60	25	28	8
8.	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари	18	18	0	0
9.	Бошқа харажатлар	67	67	0	0
	<b>Жами харажатлар</b>	<b>6 613</b>	<b>2 839</b>	<b>2 941</b>	<b>833</b>

2023 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари **4 138 658 млн сўмни** ташкил этади.

**2023 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 йил учун ПАРАМЕТРЛАР, МЛН СЎМ**




**2023 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 йил учун ПАРАМЕТРЛАР, МЛН СЎМ**

T/P	Харажатлар	Вилоят бюджети жами	Шундан		
			Вилоятни нг вилоят бюджети	Туманлар бюджетлари	Шаҳар бюджети
<b>Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, жами</b>		<b>4 138 658</b>	<b>1 208 298</b>	<b>2 282 979</b>	<b>647 381</b>
1	Маориф	799 634	358 617	379 160	61 857
	Мақтабгача таълим	274 705	15 798	228 183	30 724
	Умумтаълим	498 224	316 114	150 977	31 133
	Кадрлар тайёрлаш	26 705	26 705	0	0
2	Соғлиқни сақлаш	1 949 972	770 846	932 119	247 007
3	Маданият	42 223	17 791	21 381	3 051
4	Спорт	135 900	53 713	64 416	17 771
5	Фан, архивлар	4 217	4 217	0	0
6	Болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	1 201 336	0	884 347	316 990
7	Бошқа харажатлар	5 375	3 113	1 556	706

## ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ


Таълим харажатлари Наманган вилояти бюджети умумий харажатларининг 12,1 фоизини ташкил этади. Улушнинг камлиги 2020 йилдан бошлаб таълим харажатларининг барча (мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ижтимоий солиқ тўловлари) республика бюджетидан молиялаштирилиши билан боғлиқ.



Наманган вилояти бюджетларида таълим йўналиши харажатларининг асосий улуши умумтаълим мактабларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Кадрлар тайёрлаш харажатлари вилоят бюджетидан молиялаштирилади, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ушбу мақсадлар учун харажатлар кўзда тутилмаган.

### 2023 ЙИЛДА ТАЪЛИМ УЧУН НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, МЛН.СЎМ



## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ


Маҳаллий Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёрдам бериш мақсадида Наманган вилояти ҳокимликларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳафталик ўқув курслари ташкил этилади ва ўтказилади. 2023 йилда **1 000 нафар** ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ўқитиш режалаштирилган.

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ


2023 йилда Наманган вилояти бюджетидан соғлиқни сақлашни молиялаштириш учун **1 949,9 млрд сўм** ёки харажатларнинг 29,5 фоизи йўналтирилади. Харажатларнинг 2022 йилга нисбатан ўсиши 130,0 фоизни ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш харажатларнинг катта қисми (87,3 фоизи) ёки **1 507,2 млрд сўми** ушбу соҳадаги ишчиларнинг иш ҳақиға (шу жумладан, ижтимоий солиққа) йўналтирилади.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ УЧУН НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР, МЛН СЎМ









### 2023 ЙИЛДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ УЧУН ХАРАЖАТЛАРДА ВИЛОЯТ БЮДЖЕТЛАРИ УЛУШИ









### ВИЛОЯТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ, 2022 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР

<b>258</b> та тиббиёт ташкилоти	<b>9 431</b> та койка	<b>38 012,75</b> нафар штат ходими	<b>8 086</b> та врачлар	<b>Сақлаш учун бюджет харажатлари – 1 949,9 млрд сўм</b>

## ВИЛОЯТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

 Вилоят тиббиёт ташкилотлари	 36	 4 128 та койка	 9 921,75 нафар штат ходими	 1 736,75 та врач	 Сақлаш учун бюджет харажатлари –
<i>шу жумладан :</i>					
Кўп тармоқли тиббиёт марказлари	2	578	1170,25	237,25	
Диспансерлар:					
Эндокринология	1	160	261,5	47,5	
Онкология	1	140	339,75	61,75	
Кардиология	1	34	69,5	14,75	
Силга қарши	2	420	495	63,25	
Психиатрия муассасалари	1	485	484,5	57,5	
Давлат санитария маркази	1	-	202	77,5	
Бошқа тиббиёт ташкилотлари	27	2311	6899,25	1177,25	

## ТУМАН ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ


 Туман тиббиёт ташкилотлари	 189	 4 265 та койка	 22 480,75 нафар штат ходими	 5 142 та врач	 Сақлаш учун бюджет харажатлари
<i>шу жумладан :</i>					
Тиббиёт бирлашмалари	11	3815	6 364,25	904,5	
Кўп тармоқли марказий поликлиника	11		4 415,0	1 280,0	
Қишлоқ оилавий поликлиникалар	62		4 204,5	828,25	
Қишлоқ врачлик пунктлари*	92		2 884,0	401,25	
Бошқа тиббиёт ташкилотлари	13	450	4 613,0	1 728,0	

\* Қишлоқ врачлик пункти – бу тегишли ҳудуднинг қишлоқ аҳолисига бирламчи врачлик тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун даволаш-профилактика муассасаси.

Қишлоқ врачлик пунктларида умумий амалиёт врачлари, кундузги стационар, физиотерапия, аёлларни кўриқдан ўтказиш, вакцинация, муолажа ўтказиш ва стерилизация қилиш хоналари, шунингдек лабораториялар фаолият кўрсатади.



## НАМАНҒАН ШАҲРИ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлар	Ташкилот сони	Койкалар сони	Штат бирликлари сони:		Сақлаш учун харажатлар, млрд сўм
			жами	врач	
					
<i>шу жумладан:</i>					
Шаҳар тиббиёт ташкилотлари	33	1 038	5610,25	1 207,5	
<i>шу жумладан:</i>					
Тиббиёт бирлашмалари	3	240	492,5	75,25	
Кўп тармоқли марказий поликлиника	3		859,0	299,75	
Бошқа тиббиёт ташкилотлари	27	798	4 258,75	832,5	




Давлат тиббиёт ташкилотлари аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни бепул кўрсатади.

### Қуйидагилар давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар таркибига киради:

- шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- аҳолини бир қанча юқумли касалликларга (қизамиқ, сил, полиомиелит, чечак, қоқшол, қутуриш каби касалликларга) қарши иммунизация ва вакцинация қилиш;
- соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинида ва бир қанча давлат даволаш-профилактика муассасаларида, энг аввало, қишлоқ жойларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
- атрофдагилар учун хавф уйғотадиган ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар (ОИТС ва ҳоказолар), сил, онкологик, руҳий, наркологик, эндокринологик касалликларга (диабет ва ҳоказоларга) чалинган шахслар ва касб касалликларига чалинган шахслар бўйича махсус тиббий ёрдам;
- болаларни текшириш ва даволаш (пулли касалхоналардан ташқари);
- 15-17 ёшдаги ўсмирларни ва ҳарбий чақирув ёшидаги (18-27 ёш) шахсларни комиссиялар йўналишлари бўйича текшириш ва даволаш ишларини олиб бориш;
- ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш (пулли муассасалардан ташқари);
- давлат даволаш-профилактика муассасаларида беморларнинг имтиёзли тоифасини (ногиронлар, уруш фахрийлари, ғирт етимлар ва ҳоказоларни) даволаш.

Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмидан ортиқ бўлган тиббий хизматлар пулли ҳисобланади.

## ФАН, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ УЧУН НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР, МЛН СЎМ

Бюджетлар харажатлари	 <b>Фан</b>	 <b>Маданият</b>	 <b>Спорт</b>
Наманган вилояти	4 217,5	42 233,5	135 899,7
Вилоят бюджети	4 217,5	17 791,3	53 713,4
Туманлар бюджети		21 381,5	64 415,7
Наманган ш. бюджети		3 050,7	17 770,7

## АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА БОШҚА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВЛАР УЧУН ХАРАЖАТЛАР

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – маҳаллий давлат ҳокимиятининг энг муҳим вазифаларидан бирidir.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ УЧУН НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР

		Жами Наманган вилояти	Туманлар бюджети	Наманган ш. бюджети
Кам таъминланган оилаларга болалар учун нафақалар	Олувчилар сони	234 600	173 600	60 900
	Сумма, млн сўм	1 132 202,1	838 050,7	294 151,4
Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам	Олувчилар сони	13 700	9 200	4 500
	Сумма, млн сўм	69 134,4	46 295,9	22 838,5


Умумий эътироф етилган халқаро стандартлар ва муҳтож оилаларни аниқлашнинг автоматлаштирилган шаффоф электрон баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида 2021 йил сентябр ойдан бошлаб болали оилалар учун нафақа ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилди.

№	Харажат номи	2022 йил бошида		2022 йилда	2022 йил якунида		2023 йилга режалаштири-лаётган маблағ	2022 йилга нисбатан ўсиш (%)
		Тасдиқланган режа	Бир ойда ёрдам олган оилалар сони	Қўшимча ажратилган маблағ	Аниқланган режа	Бир ойда ёрдам олган оилалар сони		
1	18 ёшгача болалар нафақаси	711 906.5	136.1	492 357.9	1 204 264.3	234.6	1 132 202.1	159
2	Моддий ёрдам	30 938.0	13.0	34 690.3	65 628.3	13.7	69 134.4	223
x	Наманган вилояти	742 844.5	149.1	527 048.1	1 269 892.6	248.3	1 201 336.5	162

## МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ХАРАЖАТЛАР

Вилоят бюджети туманлар ва шаҳарлар ҳудудида жойлашган қурилиш объектлари бўйича маблағларни тақсимлаб, ҳудудни ривожлантириш учун харажатларни амалга оширади. Вилоят иқтисодиёти вилоятнинг барча маҳаллий бюджетлари томонидан молиялаштирилади.

### МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТ УЧУН НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР, МЛН СЎМ



### МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2022 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР

№	Худудлар	Объектлар сони	2023 йил учун режалаштирилаётган
	<b>Жами</b>	<b>285</b>	<b>250 785</b>
1	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	12	15 865
2	Мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш	13	65 424
3	Умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш	16	114 577
4	Соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш	9	44 644
5	Мелиорация объектлари	5	3 475
6	Ичимлик суви ва канализация	230	6 800

## ИҚТИСОДИЁТ УЧУН НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ БЮДЖЕТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, 2023 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР, МЛН СЎМ

Т/Р	Харажатлар	Вилоят бюджети жами	Шундан		
			Вилоятнинг вилоят бюджети	Туманлар бюджетлар и	Шаҳар бюджети
	<b>Иқтисодиётга харажатлар</b>	<b>1 097 601.6</b>	<b>805 007.7</b>	<b>208 910.5</b>	<b>83 683.5</b>
	шу жумладан:	0.0	0.0	0.0	0.0
1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	6 057.6	0.0	6 057.6	0.0
2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	11 054.7	11 054.7	0.0	0.0
3	Ободонлаштириш	179 411.7	0.0	111 712.1	67 699.7
4	Ички хўжалик автомобиль йўлларни таъмирлаш харажатлари	42 000.0	0.0	33 000.0	9 000.0
5	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	3 630.0	3 630.0	0.0	0.0
6	Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	413.0	413.0	0.0	0.0
7	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	769 593.5	744 016.9	25 576.6	0.0
8	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	8 000.0	8 000.0	0.0	0.0
9	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	6 773.3	6 773.3	0.0	0.0
10	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	160.4	160.4	0.0	0.0
11	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	3 218.1	3 218.1	0.0	0.0
12	Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	4 026.6	4 026.6	0.0	0.0
13	Ветеринария қўмитаси	22 633.7	5 910.7	14 942.2	1 780.8
14	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	15 070.0	15 070.0	0.0	0.0
15	Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари	2 734.1	2 734.1	0.0	0.0
16	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	22 825.0	0.0	17 622.0	5 203.0

## Наманган маҳаллий бюджетларнинг 2023 йилдаги тасдиқланган параметрлари тўғрисида

Худуд номи	2023 йил					
	ЖАМИ ДАРОМАД	шундан		Харажат	Трансферт	Трансфертнинг харажатдаги улуши
		Маҳаллий бюджет даромади	Мобил алоқа ва алкагол акциз			
Жами	3 713 408	3 232 840	480 568	6 613 274	2 899 866	43.8%
Вилоят бюджети	2 296 355	1 815 786	480 568	2 839 305	542 950	19.1%
Наманган шаҳар	520 235	520 235		833 239	313 003	37.6%
Мингбулоқ тумани	57 255	57 255		194 921	137 666	70.6%
Косонсой тумани	66 434	66 434		269 846	203 412	75.4%
Наманган тумани	64 172	64 172		232 880	168 707	72.4%
Поп тумани	124 261	124 261		304 786	180 525	59.2%
Тўрақўрғон тумани	92 438	92 438		304 367	211 929	69.6%
Уйчи тумани	94 681	94 681		280 402	185 720	66.2%
Чортоқ тумани	72 327	72 327		248 762	176 435	70.9%
Янгиқўрғон тумани	79 356	79 356		272 270	192 914	70.9%
Норин тумани	56 658	56 658		231 523	174 865	75.5%
Учқўрғон тумани	75 815	75 815		269 926	194 111	71.9%
Чуст тумани	113 420	113 420		331 048	217 628	65.7%

# 3 | ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ 1-МАВСУМ

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти жорий қилиниб, ривожлана бошланди. Ушбу амалиёт фуқароларга қадайдимкониётлар беради?

Бюджет маблағларидан молиялаштириш мақсадида ҳар бир 18 ёшга тўлган фуқаро ўз лойиҳа/таклифларини “Очиқ бюджет” порталида илгари суриши мумкин. Шунингдек, фуқаролар маҳаллий бюджетдан молиялаштириладигин энг яхши лойиҳалар учун овоз беришда ҳам иштирок этишлари мумкин.

2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)да тасдиқланган умумий бюджет харажатларининг 5 фоизи овоз бериш жараёнида қолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини ҳам камида 30 фоизи ҳам ушбу мақсадларга йўналтирилади.

**Фуқаролар  
томонидан  
илгари сурилган  
лоийҳаларни  
танлаш,  
молиялаштириш  
ва амалга ошириш  
жараёнини давлат  
томонидан қўллаб-  
қувватлаш чора-  
тадбирлари қайси  
меъерий-ҳуқуқий  
ҳужжатларда  
белгиланган?**

- “Бюджет маълумотларини очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3918-сонли қарори
- “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарори
- “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида намунавий низом” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги № КҚ-213-IV-сонли қарори (Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги №КҚ-302-IV-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)
- “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ-197-сонли қарори

Фуқаролар томонидан таклиф этиладиган ва овоз бериладиган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Фуқаролар ташаббуси жамғармаси ташкил этилган.

### Фуқаролар ташаббуси жамғармаси туман ва шаҳар ҳоқимликлари ҳузурида ташкил этилади ва қўйидаги манбаалардан шакллантирилади:

туман (шаҳар) бюджетлари учқумий харажатларининг 5 фоизи

туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи

ўтган давр давомида тақсимланмаган, сарфланмаган ҳамда қтисод бўлган маблағлар ҳисобига шаклланган жамғарманинг эркин қолдиқ маблағлари

2022 йилда жамоатчилик фикри асосида танлаб олинган лойиҳалар қўшимча молиявий қўллаб-қувватланди. Жумладан, 2 мингдан кўп овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшимча 11,5 млрд сўм маблағ ажратилди.<sup>1</sup>

2022 йилнинг 5 мартдан 1 апрелига қадар “Очиқ бюджет” порталида фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳаларни танлаб олиш бўйича овоз бериш жараёни бўлиб ўтди. Наманган вилояти бўйича овоз бериш жараёнида 159 та лойиҳа ғолиб деб топилди.



“Очиқ бюджет” порталида овоз бериш якуни бўйича барча 12 та маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича (11 та туман ва Наманган шаҳри) баённомалар жойлаштирилган.


Ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг асосий қисми умумтаълим мактабларини ва мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳалар бўлиб, жами ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг 70,2 фоизини ташкил этади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ–197-сонли “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори










### ЙЎНАЛИШЛАР КЕСИМИДА ҒОЛИБ БЎЛГАН ЛОЙИҲАЛАР Сони

Жисмоний тарбия иншоотларини қуриш  
хамда реконструкция қилиш




### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА УМУМТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

	иситиш тизимини алмаштириш ва таъмирлаш, иситиш қозонларини ўрнатиш, қозонхоналар қуриш
	пол қопламаларини, ойна, эшик, том қисмини таъмирлаш ва алмаштириш
	ошхоналар қуриш ва кенгайтириш, овқат тайёрлаш учун жиҳозлар харид қилиш
	канализация тизимини таъмирлаш ва алмаштириш, ҳожатхоналарни таъмирлаш, қуриш ёки қайта жиҳозлаш
	ҳовлиларни асфальтлаш, ҳудудларни заборлаш, спорт майдонларини қуриш ва реконструкция қилиш
	мактабларда ва мактабгача таълим ташкилотларида спорт ва фаоллар залларини, фойларни ва бошқа майдонларни таъмирлаш ёки кенгайтириш
	фасадни таъмирлаш, биноларга ёндош ҳудудларни ободонлаштириш

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган 91,7 млрд сўм маблағнинг 67,9 млрд сўми ёки 74 фоизи умумтаълим мактабларини ва мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлашга йўналтирилади.

**ҲОЛИБ ДЕБ ТОПИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАЖМИ, МЛРД СЎМ.**



Умумтаълим мактабларини ва мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш билан бир қаторда фуқаролар томонидан намунавий спорт комплексларини ва спорт майдончаларини қуриш бўйича лойиҳалар ҳам қўллаб-қувватланди. Фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳалардан 3-ўринни кўчаларни асфальтлаш ва кўчаларни ёритиш тизимини ўрнатишни молиялаштириш эгаллади.


Кўпроқ харажат талаб этадиган лойиҳалар умумтаълим мактабларини, мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда спорт иншоотларини қуриш билан боғлиқ. Ўртача битта лойиҳа бўйича энг кам маблағ талаб этадиган тадбирлар ичимлик суви, канализация, газ ва иссиқлик тизимига уланиш, яъни тармоқларни тортиш, артезиан қудуқларни қазиш, канализация иншоотларини қуриш ҳисобланади.

**ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ, МЛН СЎМ**




Энг кўп лойиҳалар Наманган шаҳри, Наманган ва Чўст туманларида молиялаштириладиган бўлса, энг кам ғолиб деб топилган лойиҳалар Мингбўлоқ ва Норин туманларида.

### ЛОЙИҲАЛАР СОНИ БЎЙИЧА НАМАНГАН ШАҲРИ ВА ТУМАНЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМОТ




Вилоят туманлари ва Наманган шаҳри фуқаролар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми бўйича ҳам фарқ қилади.

### НАМАНГАН ШАҲРИ ВА ТУМАНЛАР БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАЖМИ, МЛРД СЎМ



Фуқаролар ташаббусини молиялаштириш учун вилоятга ажратилган маблағларнинг қарийб бешдан бир қисмини Наманган шаҳри ташкил этади (18,9 фоиз). Яна 6 та туманга ажратилган маблағлар ҳар бири учун 7 млрд сўмдан ошган. Ушбу 7 та ҳудудда жами аҳолининг 68,5 фоизи истихومات қилиб, улар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг 70 фоизни ташкил этади.

#### НАМАНГАН ШАҲРИ ВА ТУМАНЛАР БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ, МЛН СЎМ



Молиялаштирилган лойиҳалар ичида энг юқори қиймат Норин туманида кузатилган бўлиб (963 млн сўм), 1 млрд сўмлик энг юқори чекланган миқдорга яқинлашган. Ушбу туманда молиялаштириладиган 7 та лойиҳадан – 5 таси умумтаълим мактабларини, 2 таси мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ҳисобланади. 1 та лойиҳа ҳисобида энг кичик харажат Наманган туманида кузатилган бўлиб, ушбу туманда 18 та турли хил лойиҳаларни молиялаштириш режалаштирилган.



# АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

## **Бюджетдан ажратиладиган маблағлар**

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар учун назарда тутилган пул маблағларидир

**Бюджет таснифи** – бу барча даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини, шунингдек, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини ва давлат қарзи турларини бир хил турдаги белгилар бўйича гуруҳларга бўлиниши.

**Бюджет ташкилоти** – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб турилувчи, давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган нотижорат ташкилотдир.

**Бюджет жараёни** – бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.

**Ялпи ички маҳсулот** – бу мамлакат ҳудудида бир йил давомида ишлаб

чиқарилган барча тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг умумий бозор қиймати.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот** – бу маълум ҳудудда бир йил давомида ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг умумий бозор қиймати.

**Давлат бюджети** – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.

**Ғазначилик** – Давлат бюджетининг ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молия органи.

**Бюджетлараро трансфертлар** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори,

шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Мелиорация** – ноқулай гидролик, тупроғи ёмонлашган ва бошқа шароитдаги ерлардан янада самарали фойдаланиш мақсадида уларни тубдан яхшилашдир.

**Солиқ имтиёзлари** – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, шунингдек, солиқ тўловчи учун солиқ юкини бошқача тарзда юмшатишдир.

**Қарзга хизмат кўрсатиш** – қарз (қарзлар) бўйича қарз мажбуриятларини, шу жумладан, қарздорликнинг асосий қисми, фоизлар, воситачилик ҳақи ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятни узиш учун умумий тўловлардир.

**Республика бюджети** – Давлат бюджетининг умумдават тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва уларга тушумлар миқдори, шунингдек,

молия йили мобайнидаги маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Ҳудудий молия органлари** – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларидир.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси** – меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча ҳақлар, мукофот пуллари тўлаш учун харажатларни молиялаштирувчи аниқ мақсадли манбадир.

**Харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи** – давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этилувчи асосий функциялар бўйича харажатларни гуруҳларга ажратилишидир.

**Харажатларнинг иқтисодий таснифи** – харажатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳланишидир